

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

А. А. СУЛТОНОВ

УЙ ҚАМОҒИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИНИ
ҚЎЛЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2017

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган

Масъул муҳаррир:

юримдик фанлар доктори, доцент **А. А. Отажонов**

Тақризчилар:

юримдик фанлар доктори, профессор **М. А. Ражабова**;
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист
А. О. Шарафутдинов

Султонов А. А.

С–96 Уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллашнинг процессуал тартиби:
Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
2017. – 42 бет.

Қўлланмада уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг ҳуқуқий мазмуни, уни қўллашнинг мақсад ва асослари, ишни судга қадар юритиш босқичида уни қўллашнинг процессуал тартиби ва бу жараёнда расмийлаштириладиган ҳужжатлар, эҳтиёт чораси муддатини узайтириш тартиби, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг ижро этилиши устидан назоратни ташкил этиш хусусиятлари, шунингдек ушбу эҳтиёт чорасига оид хорижий тажриба ва уларни миллий қонунчиликда қўллаш масалалари ёритилган.

Олий юримдик таълим муассасаларининг талабалари, тингловчилари ҳамда амалий фаолият билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига мўлжалланган.

ББК 67.99(5 У)93я73

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилаётган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув принципини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш вазифаси, ўз моҳиятига кўра суд-ҳуқуқ тизимида янги ислоҳотлар даврини бошлаб бермоқда.

Зеро, жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳолининг фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Боиси, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари унга инъом этилган энг улуғ ва дахлсиз неъматлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасига кўра, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсади одил судлов соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳамда конституциявий ҳуқуқларини таъминлашдан иборатдир. Бу жараёнлар эса босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.

Мустақилликнинг ўтган қисқа даври мобайнида мамлакатимизда бу борада кенг кўламли ҳуқуқий база яратилди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умуминсоний принциплар мамлакатимиз қонунчилигида ҳам ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг: «Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминлангандагина у чинакам ҳуқуқий фуқаролик жамияти бўлади. Бизнинг пировард мақсадимиз инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат», деган раҳбарий ғоялари замирида ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» тизим ислоҳотларида янги даврни бошлаб берди. Мазкур концепция асосида 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига асосан суд-тергов амалиётига эҳтиёт чораларининг янги тури, яъни уй қамоғи жорий қилинди.

Ушбу эҳтиёт чорасининг жорий этилиши бевосита суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш ҳамда жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2017 йил 29 март) қонунига¹ биноан, 2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилиши, камоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилиши, судларга камоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқининг берилиши жиноят процессида жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида эҳтиёт чораси сифатида уй қамоғи ва уни қўллашнинг процессуал тартибини тадқиқ этишнинг долзарблигини янада оширади.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – 13-сон. – 194-м.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА УЙ ҚАМОҒИ ТАРЗИДАГИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жиноят ишлари бўйича одил судлов соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳамда конституциявий ҳуқуқларини таъминлашни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, эркинлик ва шахсий дахлсизлик инсоннинг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, унга туғилгандан бошлаб тааллуқли бўлади. Ҳар кимга ўз ихтиёрига кўра, уни индивидуал равишда қониқтирувчи, шахсий эркинлиги дахлсизлигини чекламайдиган хатти-ҳаракатларни танлаш ва содир этиш имконияти берилган. Бироқ шуни назарда тутиш жоизки, шахс эркинлиги жамиятда умум эътироф этган ахлоқ нормалари доирасида ва қонун асосида амалга оширилиши керак, яъни у қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг қоидаларига зид бўлмаган ҳар қандай қилмишни содир этиши мумкин. Бинобарин, «ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас». Бу конституциявий қоида процессуал қонунда ҳам ўз аксини топган. Чунончи, ЖПКнинг 18-моддаси иккинчи қисмида ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ва қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги назарда тутилган.

Амалдаги қонунчилигимизда суриштирув ва дастлабки тергов органлари, шунингдек судга айбланувчиларнинг шахсий эркинлигини чеклайдиган, уларнинг янги жиноятлар содир этишга, жиноят изларини яширишга қаратилган ҳаракатларига чек қўядиган процессуал мажбурлов чораларни қўллаш ваколати берилган. Ушбу чоралар эҳтиёт чоралари деб аталади. Улар туркумига муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат, шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги, гаров, уй қамоғи, қамоққа олиш, вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви каби чораларни киритишимиз мумкин.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга босқичма-босқич ва изчил ўтказилишини таъминлаш мақсадида, шу-

нингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқароларни суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини белгиловчи 19, 25 ва 44-моддаларига мувофиқ, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолларда ва фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судлар ваколатига мувофиқ уларнинг қарори бўйича амалга оширилиши лозим.

Қамоққа олиш эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланишининг асосий хусусиятларидан бири инсоннинг шахсий дахлсизлик ва эркинлиги фақат суд томонидан чекланиши мумкинлигидир. Авваллари қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини суриштирувчи, терговчи (прокурорнинг санкцияси асосида), прокурор – қарор, суд эса ажрим чиқариб қўллаган. Ҳозир эса бу чора фақат суд ажрими билан ёпиқ суд мажлисида қўлланилмоқда. Чунки Биринчи Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, «суд ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтидир»¹. Прокурор эса дастлабки тергов босқичида ҳам, суд босқичида ҳам давлат айбловини амалга оширувчи жиноят процесси иштирокчисидир. Шу аснода иш юритаётган терговчи айбланувчига нисбатан прокурордан санкция олиб қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаши мамлакатимиз Конституциясининг нормаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидаларига зид ҳисобланарди.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари суд ҳокимиятини демократлаштириш борасида адолатпарварликка йўналтирилган кўплаб таклифларни илгари сурди. Улар жумласига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

– «Судлар жазоловчи органдан инсон ҳуқуқларини муҳофаза этувчи идорага айланиши керак»;

– «Суд жараёнида адвокат билан прокурорнинг мақоми тенглаштирилиши лозим»;

– «Фақат қонунга бўйсунувчи суд, судьялар эса қонуний ҳуқуқларга, ўз виждонига амал қилиб, айбланувчи ва ҳимоя қилинувчи томонларнинг фикрларини ҳолисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда адолатли, қонуний ҳукм чиқаради. Суд тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак»².

¹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2002. – Б. 29.

² Цитаталар манбаи: Одилқориев Х. Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б. 218.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган маърузасида таъкидлаганидек, «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, уни амалга оширишнинг аниқ процессуал ҳуқуқий механизмини яратиш, жиноят процессининг судгача бўлган босқичида жиноий таъқиб қилинадиган фуқароларнинг муҳим қафолатига айланади. Бу терговчи ва прокурорларнинг эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни тайинлашда жавобгарлигини кучайтириш, суд ҳокимияти нуфузини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсоннинг озодликка бўлган конституциявий ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилади»¹.

Бундан кўриниб турибдики, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи эҳтиёт чорасининг нотўғри танланиши унинг ҳуқуқ ва эркинликлари асоссиз равишда чекланишига олиб келади.

Умуман, эҳтиёт чораларини қўллашда мажбурлов айбланувчининг шахсий эркинликларини (масалан, ҳаракатланиш эркинлигини ва ш.к.) чеклаш ёки камайтиришда намоён бўлади. Улар айбланувчининг суриштирув органлари, тергов ва суддан яширинишига, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал беришига, жазони ўташдан бўйин товлашига, жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш мақсадида қўлланилади.

Эҳтиёт чораларидан қайси бирини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ЖПКнинг 236-моддасида назарда тутилган асослардан ташқари, қўйилган айбнинг оғирлигини, айбланувчининг шахсини, машғулот турини, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олади (ЖПК 238-м.). Эҳтиёт чораси суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ва суднинг ажрими билан қўлланилиши, бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкин (ЖПК 240-м.).

2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ 373-сонли қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси янги 242¹-моддаси билан тўлдирилди. Ушбу модда мазмунини таҳлил этган ҳолда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси хусусида қуйидагиларни алоҳида келтириб ўтиш мумкин.

Уй қамоғи оғир эҳтиёт чораларидан бири бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда энг асосий ҳуқуқларидан бири –

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т., 2007. – Б. 35–36.

шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқларини жиддий равишда чеклайди. Шу боис уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чораси бошқа эҳтиёт чоралари айбланувчи (ушлаб турилган гумон қилинувчи)нинг муносиб хулқ-атворини таъминлаш ва жазодан бўйин товлашнинг олдини олиш имкони бўлмаган ҳоллардагина қўлланилади. Айти пайтда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қamoққа олиш ёки уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўлламаслик ёки ўз вақтида қўлламаслик янги жиноятлар содир этилишига олиб келиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик лозим.

Қонунга мувофиқ, уй қamoғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қamoққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшини, соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қamoққа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда қўлланилади.

Уй қamoғи гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйилиб, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шунингдек унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда бўлишидан иборат бўлади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг соғлиғи ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тиббий муассаса уй қamoғида сақлаш жойи этиб белгиланиши мумкин.

Уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисидаги қарорда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан қўлланиладиган тақиқлар (чекловлар), шунингдек ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш зиммасига юклатилаётган орган кўрсатилади.

ЖПКнинг 242¹-моддасига кўра, ўзига нисбатан уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсга қуйидаги тақиқлар (чекловлар) ўрнатилиши мумкин:

- 1) муайян шахслар билан алоқада бўлиш;
- 2) хат-хабар олиш ва жўнатиш;
- 3) ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш;
- 4) уй-жойни тарк этиш.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига қонунда кўрсатилган барча тақиқлар (чекловлар) ёхуд улардан айримлари қўлланилиши мумкин.

Уй қамоғи эҳтиёт чораси, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси каби, фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судларнинг ажримига асосан амалга оширилади.

Юқорида баён этилганидек, уй қамоғини қўллаш учун асослар эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш асосларидан келиб чиқади ҳамда унинг асосида мазкур эҳтиёт чораси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 3 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексига 5 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади (ЖПК 242-м. 1-қ).

Уй қамоғи эҳтиёт чораси вояга етмаганларга нисбатан ЖПКнинг 558-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, «вояга етмаган айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат қасддан содир этилган ва Жиноят кодексига 5 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ва бошқа эҳтиёт чоралари айланувчининг тегишли ҳуқуқатворда бўлишини таъминлай олмаган тақдирдагина қўлланилиб, лекин эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган, шунингдек ЖПК 242-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмайди».

Уй қамоғи эҳтиёт чорасининг вояга етмаганларга нисбатан қўлланишининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири прокурорлар вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишда иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиши, илтимосноманинг асослилигини текшириши, ҳодисанинг фавқулоддалигига ишонч ҳосил қилиши ва айланувчини ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича ҳимоячининг иштирокида сўроқ қилиши керак.

Шундай қилиб, қамоққа олиш ёки уй қамоғи энг сўнгги, энг оғир эҳтиёт чорасидир, чунки у шахснинг конституциявий ҳуқуқларини, эркинлигини сезиларли даражада чеклайди. Шу боис ҳам шахс қамоқда сақланган муддат суд томонидан унинг озодликдан маҳрум этилган муддатига қўшилади. Бинобарин, ушбу эҳтиёт чорасини қўллашда ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш лозим. Зеро, бунинг замирида инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати масаласи ётибди.

Айни пайтда ўта эҳтиёткор бўламан деб, жиноят содир этган шахснинг ўз жиноий қилмишини давом эттиришига ёки яширишига шарт-шароит яратиб бермаслик ҳам керак. Шу сабабли дастлабки тергов органлари ишни судга қадар юритиш босқичида фақатгина шахсни ишда гумон қилинувчи тариқасида жалб этиш учун асос бўлган маълумотларга асосланмасдан, гумон қилинувчининг айбни исботловчи далилларни ҳам инобатга олишлари ва уларнинг ҳаққонийлигига чуқур ишонч ҳосил қилиши шарт.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА УЙ ҚАМОҒИ ТАРЗИДАГИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИНИ ҚЎЛЛАШ ВА ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ТАРТИБИ

Жиноят ишларини судга қадар юритишда терговчи иш юритувидаги жиноят иши бўйича ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини ҳал этиш давомида, дастлаб ушбу шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғидан ташқари эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслигига ҳамда ушбу эҳтиёт чораси айбланувчининг суриштирув органлари, тергов ва суддан яширинишига, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал беришига, жазони ўташдан бўйин товлашига, жинойий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилишнинг ягона чораси эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Шу билан бирга, ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчига қўйилаётган айбнинг оғирлиги, айбланувчининг шахси, машғулоти тури, ёши, соғлигининг ҳолати, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда уй қамоғи эҳтиёт чорасини танлайди.

Қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси фақат ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин. Хусусан:

а) *ушланган гумон қилинувчи* – ушлаш тарзидаги процессуал мажбурлов чораси қўлланилган, ушлаб туриш баённомаси тузилган ва шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб қилиш тўғрисида қарор чиқарилган шахс;

б) *айбланувчи* – ЖПКнинг 46-моддасига мувофиқ, қонунда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этиш учун жалб қилиш ҳақида қарор чиқарилган шахс.

Дастлабки тергов давомида терговчи томонидан қонунда назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланганда прокурорнинг розилиги билан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради (3-намуна).

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорда ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоққа олиш ёки уни уй қамоғига жойлаштириш

заруратини келтириб чиқарган асослар баён қилинади. Шунингдек, ушбу қарорда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига қўлланадиган тақиқлар (чекловлар), ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш зиммасига юклатилаётган орган ҳам кўрсатилади.

Шундан сўнг уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорни асословчи зарур ҳужжатлар жамланмасидан иборат санкция пакети шакллантирилади. Мазкур санкция пакетида баъзи ҳужжатларнинг асл нусхаси тикилса, айримларининг кўчирма нусхалари тикилади ва барча ҳужжатлар рақамланиб, тергов бўлинмаси ёки бўлимининг гербли муҳри билан тасдиқланиши, рўйхат асосида ягона муқова остида жамлаб тикилиши шарт (2-намуна). Ушбу ҳужжатларни тергов бўлинмаси ёки бўлимининг гербли муҳри билан белгилашдан асосий мақсад улар жиноят ишидаги ҳужжатларнинг асл нусхасидан олинганлигини аниқлаштириб туришдир. Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорни асословчи санкция пакетида жамланувчи ҳужжатларнинг ягона рўйхати ҳеч бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда келтириб ўтилмаган. Улар асосан назорат олиб боровчи прокурорлар ва судларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Шу асосда айтилган вақтда тергов амалиётида шакллантириладиган эҳтиёт чорасини асословчи санкция пакетларида бўлиши лозим бўлган зарур ҳужжатлар рўйхатини умумлаштирган ҳолда улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарор (*асл нусхаси*);

– жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси;

– шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида ёхуд айбланувчи тариқасида жалб этиш ҳақидаги қарорининг нусхаси;

– шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туриш баённомаси (*агар шахс жиноят ишини қўзғатишдан аввал ушланган бўлса, ЖПКнинг 224-моддаси ва суриштирувчи, терговчининг қарори асосида ушланганлигини расмийлаштирувчи ЖПКнинг 227-моддаси тартибида тuzилган баённомалар нусхаси*);

– ишда ҳимоячи иштирок этаётган бўлса – унинг ордерининг нусхаси, ҳимоячидан воз кечилган бўлса, ҳимоячидан воз кечилганлиги баённомасининг нусхаси;

– эҳтиёт чораси қўлланилаётган шахснинг судланганлиги ҳолати ҳақида Ахборот марказининг маълумотлари баён қилинган Талабно-

ма нусхаси, агарда шахс муқаддам судланган бўлса, суд ҳукмининг ва жазо ижро этилганлиги ҳақида маълумот берувчи зарур ҳужжатларнинг нусхалари;

– эҳтиёт чораси қўлланилаётган шахснинг шахсини тасдиқловчи ва тавсифловчи ҳужжатларнинг нусхалари (*фуқаролик паспорти, доимий рўйхатда турган жойидаги МФЙдан яшаш жойи ва у билан бирга яшовчилар тўғрисидаги маълумотномалар, шунингдек иш ёки яшаш жойидан бериладиган тавсифнома*);

– гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан ўзига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни сўраб ёзган ариза-илтимосининг асл нусхаси;

– эҳтиёт чораси қўлланилаётган гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан бирга яшайдиган яқин қариндошларининг уй қамоғи эҳтиёт чораси билан боғлиқ ўрнатилаётган тақиқ(чекловлар)га розилиги ҳақидаги хатнинг асл нусхаси;

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш жойи сифатида белгиланиши кўзда тутиладиган, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда ҳақиқатан ҳам шу шахснинг яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари (турар жойга эгалик ҳуқуқини берувчи кадастр ҳужжати, ижара шартномаси ва бошқа шу кабилар);

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш жойи сифатида белгиланиши кўзда тутиладиган турар жойда яшаш учун зарур шарт-шароитлар мавжудлигини тасдиқловчи МФЙ томонидан тузилган далолатнома;

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш жойи сифатида белгиланиши кўзда тутиладиган турар жойнинг санитария талабларига жавоб беришини тасдиқловчи ҳудудий СЭХ (санитария-эпидемиология хизмати) ходимининг маълумотномаси;

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш жойи сифатида белгиланиши кўзда тутиладиган турар жойнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб беришини тасдиқловчи ҳудудий ЁХБ (ёнғин хавфсизлик бўлими) ходимининг маълумотномаси ва бошқалар.

Шу ўринда, тергов амалиётида баъзи ҳолларда қамоққа олиш ёки уй қамоғи қўлланилаётган шахс ҳимоячининг юридик ёрдамидан воз кечган тақдирда, санкция пакетига ҳимоячидан воз кечилганлиги баённомасининг нусхасини тикиб қўйиш билан чегараланишади. Ва, бунга ЖПКнинг 51-моддасида ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар қаторига қамоққа олиш ёки уй қамоғи қўлланилаётган шахс-

нинг ҳимоячининг юридик ёрдамидан фойдаланиши шартлиги белгиланмаганлигини сабаб сифатида кўрсатишади. Бироқ, фикримизча, худди шу модданинг иккинчи қисмида «Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хулосага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этишини шарт деб топишга ҳақлидир» деб белгиланган норма талабидан келиб чиққан ҳолда, судлар томонидан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги материални кўриб чиқиш давомида тортишувчанлик тамойилига асосланиши ва бу жараённинг ҳимоячининг фаол иштирокисиз амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмаслигини назарга олиб, терговчи қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилаётган шахслар билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича ҳимоячи иштирок этиши шарт, деб белгилаш лозим бўлади. Айнан шу асосда юқоридаги санкция пакетида ҳимоячи ордерининг нусхасини тикиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шундан сўнг терговчи, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўзғатиш ҳақидаги қарор ва уни асословчи ҳужжатлардан иборат санкция пакетини назорат олиб борувчи прокурорга юборади. Прокурор қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, қарорнинг тегишли қисмига ўз имзоси ва муҳрини қўйиб, илтимосномани кўзғатиш тўғрисидаги қарор ва унга илова қилинган ҳужжатлар жамланган санкция пакетини алоқа хати орқали судга юборади (Иловадаги 1-намуна).

Агар илтимоснома ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан кўзғатилаётган бўлса, қарор ва кўрсатилган материаллар ушлаб туриш муддати тугашидан камида саккиз соат олдин судга тақдим қилиниши ва тақдим этилган вақт ҳақида тегишли алоқа хатида қайд этилишини таъминлаш лозим.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаганида эса ёхуд уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳар-

бий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайдан эътиборан саккиз соат ичида, лекин ушлаб туришнинг энг кўп муддати, яъни 48 соатдан кечиктирмай кўриб чиқилади. Қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, агар ишда қатнашаётган бўлса ҳимоячи, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида кўриб чиқилади. Ушлаб турилган гумон қилинувчи, айбланувчи суд мажлисига олиб келинади. Суд мажлисида гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қонуний вакили, шунингдек терговчи иштирок этишга ҳақли. Зарур ҳолларда терговчи судга чақирилиши мумкин.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишга монелик қилмайди.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурор маърузаси билан бошланади, у мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш зарурлигини асослаб беради. Шундан кейин гумон қилинувчи ёки айбланувчи, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Сўнгра судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Судья гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида;

2) қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш тўғрисида;

2¹) қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш ва уй қамоғи ёки гаров тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида;

2²) уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш ва гаров тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида»;

3) тарафлар қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг асосланганлиги ёки асосланмаганлигига доир қўшимча далилларни тақдим этишлари учун ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш тўғрисида.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинган ва гаров тарзидаги эҳтиёт чораси танланган тақдирда, гумон қилинувчи-

ни ёки айбланувчини ушлаб туриш муддати гаров киритиш имконини бериш учун суд томонидан кўпи билан қирқ саккиз соатгача бўлган муддатга узайтирилади, кўрсатилган муддатда гаров киритилмаган тақдирда қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома қаноатлантирилган ҳисобланади.

Судьянинг уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёки уни қўллашни рад қилиш тўғрисидаги ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилиниши керак. Судьянинг ажрими ижро учун прокурорга, маълумот учун эса гумон қилинувчига, айбланувчига, ҳимоячига юборилади. Судьянинг ажрими устидан Жиноят-процессуал кодекс 241-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидаларга биноан апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

1) судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) судьянинг ажримини бекор қилиш ва гумон қилинувчи ёки айбланувчини уй қамоғидан озод қилиш ёхуд унга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга ҳақли.

Қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинган тақдирда, айнан ўша гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан мазкур масала бўйича такроран судга мурожаат қилишга қамоққа олишни ёки уй қамоғини қўллашни тақозо этадиган янги ҳолатлар юзага келганда йўл қўйилади.

Дастлабки тергов давомида эҳтиёт чораси муддатини узайтириш зарурати юзага келган тақдирда, терговчи айбланувчини уй қамоғида бўлишининг белгиланган муддати тугашидан камида олти сутка олдин тегишли прокурор қамоқда сақлаб туриш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарор чиқаради, бу қарор судга юборилади. Ушбу қарорда терговнинг чўзилиб кетганлиги сабаблари, текширилиши лозим бўлган тусмоллар ва ҳолатлар, кўшимча равишда сўралаётган муддат кўрсатилиши керак.

Эҳтиёт чорасининг муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир этилган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд уй қамоғи муддатини узайтириш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон

Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Уй қамоғи муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома материаллар келиб тушган пайдан эътиборан 72 соат ичида ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади. Уни кўриб чиқиш прокурор, айбланувчи, агар ишда қатнашаётган бўлса, ҳимоячи иштирокида амалга оширилади. Зарур ҳолларда терговчи судга чақирилиши мумкин.

Айбланувчи стационар суд-психиатрия экспертизасидан ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган тақдирда, уй қамоғи муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан айбланувчининг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин. Бунда айбланувчининг ҳимоячиси суд мажлисида иштирок этиши шарт.

Судья уй қамоғи муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

- 1) уй қамоғи муддатини узайтириш тўғрисида;
- 2) уй қамоғи муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисида.

Судьянинг уй қамоғи муддатини узайтириш ҳақидаги ёки уй қамоғи муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисидаги ажрими ўқиб эшиттирилган пайдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилиниши керак. Судьянинг ажрими ижро учун прокурорга, маълумот учун эса айбланувчига, ҳимоячига юборилади. Судьянинг ажрими устидан ЖПКнинг 241-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидаларга биноан 72 соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

- 1) судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантirmасдан қолдиришга;
- 2) судьянинг ажримини бекор қилиш ва уй қамоғи муддатини узайтиришни рад этишга ёхуд уй қамоғи муддатини узайтиришга ҳақли.

Уй қамоғи муддати тугаб, озод этилган айбланувчига нисбатан уй қамоғи муддати узайтирилган тақдирда, суд унга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаши керак.

Жиноят ишини юритаётган терговчи уй қамоғи эҳтиёт чораси муддатини узайтириш масаласини ҳал этиш давомида уй қамоғида сақлаб туришнинг энг кам ва энг узоқ муддатларини албатта инобатга

олиши лозим. Маълумки, жиноятлар тергов қилинаётганда уй қамоғи муддати кўпи билан уч ойни ташкил этади.

Уй қамоғининг қонун нормаларида белгиланган уч ойлик муддатини: беш ойгача узайтириш масаласи — Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг илтимосномасига биноан; етти ойгача узайтириш масаласи эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарларининг илтимосномасига биноан суд томонидан кўриб чиқилади.

Муддатни янада узайтиришга йўл қўйилмайди. Мазкур илтимосномаларни кўриб чиқишда суд тақдим этилган материалларнинг асослилигини, шунингдек процессуал нормалар ва талабларга риоя этилганлигини инобатга олади.

Янги қоидага биноан, қамоқда сақлаб туриш муддатига ЖПКнинг 599-моддасига мувофиқ шахсни Ўзбекистон Республикасига ушлаб бериш тўғрисидаги сўровга кўра унинг хорижий давлат ҳудудида қамоқда сақланган вақти қўшиб ҳисобланади.

Модомики, Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахсни ЖПКнинг 245-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисида белгиланган қамоқда сақлаб туришнинг охириги муддати тугаган бўлса ва ишнинг ҳолатларига кўра қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарларининг илтимосномасига биноан суд ЖПКнинг 247-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этган ҳолда, қамоқда сақлаб туришнинг қўшимча муддатини белгилаши мумкин бўлади. Бироқ ушбу муддат шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча сақлаш ҳибсхонасига ёхуд тергов ҳибсхонасига жойлаштирилган пайтдан эътиборан уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Дастлабки тергови тамомланган жиноят ишининг материаллари айбланувчига ва унинг ҳимоячисига танишиб чиқиш учун ушбу модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисида ёхуд ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган қамоқда сақлаб туришнинг охириги муддати тугашидан камида бир ой олдин тақдим этилган бўлиши лозим.

Жиноят иши бўйича айбланувчи ва унинг ҳимоячиси ишнинг материаллари билан танишиб чиқиши учун кетган вақт эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақлаб туриш ёки уй қамоғи муддатини ҳисоблаб чиқишда инобатга олинмайди.

УЙ ҚАМОҒИ ТАРЗИДАГИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИНИНГ ИЖРО ЭТИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Суд уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримни ижро этиш учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яшаш жойидаги ички ишлар органига юборади. Мазкур ажримда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи дучор қилинадиган озодлик бўйича аниқ тақиқлар (чекловлар), шунингдек ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш зиммасига юклатилаётган органнинг номи аниқ белгиланган бўлади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганлиги тўғрисидаги суд ажримини олгач, унинг ижро этилишини назорат қилиш учун масъул бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ходимига ўтказди ва суднинг ажрими билан ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этилишини назорат қилиши ҳақида кўрсатма беради.

Шахснинг уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташ жойларида бўлишини ва улар томонидан суднинг қарори билан ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этилишини назорат қилиш ҳудудий ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилади.

Зарур ҳолларда қамоққа олинганнинг яшаш жойи кўриқланиб, унинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатилади. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг уй-жойидан чиқиши бўйича ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этиши устидан назорат амалга оширилаётганда ички ишлар органи унинг яшаш жойида бўлишини сутканинг исталган вақтида текширишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2014 йил 11 ноябрдаги 162-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома ушбу эҳтиёт чораси қўлланилган шахснинг унга суд томонидан ўрнатилган тақиқ ёки чекловларга риоя этилишини тегишлича ҳудудий ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари томонидан назорат қилиш тартибларини белгилаб беради.

Профилактика инспектори суднинг уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримини олганидан сўнг зудлик билан унинг ижро этилишини назорат қилишга киришади.

Профилактика инспектори суднинг ажримини уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни рўйхатга олиш китобида ҳисобга олади ва шахсга нисбатан шахсий йиғмажилд юритади.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахснинг йиғмажилди шахсни рўйхатга олувчи асосий ҳужжатдир. Шахсий йиғмажилд белгиланган намунавий муқовада юритилади.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни рўйхатга олиш китобидаги рақам билан унга нисбатан юритилган шахсий йиғмажилднинг рақами мос келиши шарт.

Йиғмажилдга ушбу эҳтиёт чорасини ўташ даврида унга нисбатан ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этилишини назорат қилиш давомида тўпланган ҳужжатлар (паспорт нусхаси, сўров варақалари (анкета), суҳбатлар ва текширувлар ўтказилгани ҳақидаги маълумотномалар, билдирги ва бошқа ҳужжатлар) жамлаб борилади.

Профилактика инспектори уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс билан ўтказилган суҳбат жараёнида унга:

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси талабларига риоя қилиш шартларини;

– шахсга нисбатан суд томонидан қўлланилган тақиқларнинг (чекловларнинг) мазмуни ва моҳиятини;

– иш юритувида жиноят иши бўлган терговчи, суриштирувчи ёки суд томонидан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсни, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакилининг илтимосномасига кўра, суд томонидан ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) ўзгартиш киритиш имкони мавжудлигини;

– суд томонидан ўрнатилган тақиқ (чеклов)ларга риоя этилиши устидан сутканинг исталган вақтида монеликсиз текшириш ҳуқуқи борлигини;

– ушбу тақиқ (чеклов)ларга риоя этилишини назорат қилиш учун зарур ҳолларда унга нисбатан электрон кузатиш воситалари қўлланилиши мумкинлигини;

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси шартлари бузилган ҳолларда унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиши мумкинлигини тушунтиради.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган вояга етмаган шахс билан суҳбат ўтказиш жараёнида унинг қонуний вакили, у бўлмаганида педагог ёки психолог иштирок этиши шарт.

Профилактика инспектори суҳбат якуни бўйича уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсдан унинг ҳуқуқлари, белгилан-

ган тақик (чеклов)лар ва уларнинг шартини бузиш оқибатлари тушунтирилганлиги ҳақида тилхат олади.

Уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга нисбатан электрон билагузук (браслет) ва бошқа турдаги кузатиш воситалари фақат суднинг ажрими билан қўлланилади. Уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чораси тайинланган шахсларга электрон билагузук ва бошқа турдаги кузатиш воситаларини қўллаш учун уларни тегишли асбоб-ускуналар билан таъминлаш ва улардан фойдаланилишини назорат қилиб бориш ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими, навбатчилик қисми, моддий-техника таъминоти бўлими, ахборот маркази, алоқа ва бошқа хизматлари зиммасига юклатилади.

Электрон билагузуклар ҳудудий ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларида сақланади. Профилактика инспектори суднинг ажримини ижро учун олгач, электрон билагузукни навбатчидан қабул қилиб олади ва уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга қўлланилишини таъминлайди. Шу билан бирга, профилактика инспектори уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга ушбу электрон воситани бузганлик учун жавобгарлик мавжудлигини тушунтиради, электрон билагузукдан фойдаланиш бўйича хавфсизлик чоралари ҳамда эксплуатация қоидалари билан оғзаки равишда таништиради.

Электрон билагузук ва бошқа турдаги кузатув воситалари ички ишлар органларининг навбатчилик қисмлари томонидан кеча-кундуз кузатиб борилади. Эҳтиёт чорасининг шартлари бузилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, навбатчи зудлик билан ички ишлар органи раҳбарига бу ҳақда ахборот беради. Ички ишлар органи раҳбари мазкур ҳолатга аниқлик киритиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўради. Уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс электрон билагузук ёки бошқа мосламаларни носоз ҳолатга келтирганида профилактика инспектори ушбу шахсдан етказилган моддий зарарни ундириш чораларини кўриш ҳақида терговчи, суриштирувчи ёки судга асослангилган хат билан мурожаат қилади.

Эҳтиёт чорасини қўллаган суд томонидан шахснинг иш ёки ўқиш вақтида уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташ жойидан ташқарида бўлишига руҳсат этилган тақдирда, профилактика инспектори шахснинг иш ёки ўқиш жойига хабарнома юбориб, унинг иш ёки ўқиш жадвали, ишдан бўшатилигани, иш ёки ўқиш жадвалига ўзгартириш киритилгани ҳақида хабардор қилиш сўралади. Профилактика

инспектори уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларнинг иш ёки ўқиш жойига етиб бориш ва қайтиш вақти, йўналиши ҳамда қайси транспорт воситасидан фойдаланилиши ҳақида хабардор бўлиши шарт.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс соғлигининг ёмонлашганлиги сабабли даволаш муассасаларига ётқизилганда профилактика инспектори зудлик билан бу ҳақда иш юритувида жиноят иши бўлган терговчи, суриштирувчи ёки судни хабардор қилади. Ушбу хабарни олган терговчи, суриштирувчи ёки суд томонидан шахснинг стационар шароитида даволанишга муҳтожлигига аниқлик киритиш мақсадида суд-тиббий экспертиза тайинланади. Бундан ташқари, мазкур вазиятда профилактика инспектори тегишли даволаш муассасасини ушбу шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилгани тўғрисида хабардор қилиб, суд ажримидан нусха тақдим этади ва эҳтиёт чорасини ўташ жойи ўзгартирилгунига қадар назорат қилишни давом эттиради.

Иш юритувида жиноят иши бўлган терговчининг, суриштирувчининг ёки суднинг сўров хатига кўра, профилактика инспектори бир кунлик муддат ичида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташ жойида суднинг ажрими билан ўрнатилган тақиқ (чеклов)ларга риоя этилишини назорат қилиш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот беради.

Профилактика инспектори уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахснинг ушбу эҳтиёт чорасини ўташ жойида бўлиши ва суд томонидан ўрнатилган тақиқ (чеклов)ларга риоя қилинишини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга оширади:

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахснинг яшаш жойида бўлишини ҳафтада камида икки марта сутканинг исталган вақтида текшириш (кундузи кўпи билан бир марта ва тунда кўпи билан бир марта ўтказилади). Унга ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб боришга тақиқ (чеклов) ўрнатилмаган бўлса, ушбу шахснинг яшаш жойида бўлишини ҳафтада камида икки марта алоқа воситалари орқали қўшимча текшириб, натижасини ойлик назорат қайдномасида акс эттириш;

– иш ва (ёки) ўқиш вақтида шахснинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатилишини таъминлаш мақсадида бир ойда камида икки марта унинг иш ёки ўқиш жойига бориб, суд томонидан ўрнатилган тақиқ (чеклов)ларга риоя қилишини текшириш ҳамда натижасини ойлик назорат қайдномасида акс эттириш;

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб боришга тақиқ (чеклов) ўрнатилганда улар томонидан тез тиббий ёрдам, ички ишлар органлари ва тегишли қутқарув хизматларини чақириш ҳамда профилактика инспектори, терговчи, суриштирувчи ва суд билан сўзлашиш учун алоқа воситаларидан фойдаланиш ҳолатларининг ҳисобини, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар билан телефон сўзлашувларини қайд этиш варақасига киритиб бориш.

Текширув натижалари бўйича назорат ведомостида қуйидаги белгилар қўйилади:

С – эҳтиёт чорасининг шартлари бузилганлиги ҳақида қўлланилган электрон кузатиш воситаларидан сигнал келиб тушганда;

Ч – уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташ жойларига чиқилганида;

Т – телефон воситалари орқали текширув ўтказилганда.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс томонидан эҳтиёт чораси шартлари бузилган ҳолда ушбу белгилар айлана билан чизилади.

Профилактика инспектори уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсининг ўрнатилган тақиқ (чеклов)ларга риоя этишини назорат қилиш бўйича тезкор ходимлар, тергов ва бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши мумкин. Ўз навбатида, ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик йўналишларида ўз вазифаларини бажариш билан бирга, профилактика инспектори тақдим этган маълумотлар (фамилияси, исми шарифи, суд томонидан ўрнатилган тақиқлар, фотосурати, эҳтиёт чорасини ўташ жойининг манзили) асосида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни ҳам кузатувга оладилар. Улар ўрнатилган чекловларни бузган ёки ҳуқуқбузарликлар содир этган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига билдирги орқали хабар берадилар.

Жамиятдан тўлиқ ажратиб қўйиш шarti билан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс конвой хизмати томонидан суддан эҳтиёт чорасини ўташ жойига ва ушбу жойдан суриштирув органи, дастлабки тергов органи ёки судга олиб борилади. Алоҳида ҳолларда мазкур шахсларга қўл кишани қўлланиши мумкин.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган шахс томонидан эҳтиёт чораси шартлари бузилган ҳолатлар аниқланган тақдирда профилактика инспектори:

– ҳолат аниқланган вақтдан бошлаб дарҳол иш юритувида жиноят иши бўлган терговчини, суриштирувчини, судни хабардор қилади;

– ҳолат аниқланган вақтдан бошлаб 24 соат ичида иш юритувида жиноят иши бўлган терговчига, суриштирувчига, судга ёзма равишда бу ҳақда хабарнома юборади, ўз навбатида, буни эҳтиёт чораси шартларини бузиш ҳолатларини ҳисобга олиш китобига қайд этади.

Назорат давомида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахснинг қаерда эканлиги номаълум бўлса, профилактика инспектори ушбу ҳолат аниқланган вақтдан бошлаб дарҳол қидирув ишларини ташкил этиш учун иш юритувида жиноят иши бўлган терговчига, суриштирувчига, судга, улар бўлмаганда, идора раҳбарига ёзма равишда, шунингдек, телефон орқали ахборот беради. Терговчи, суриштирувчи ва суд уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс томонидан ушбу эҳтиёт чорасининг шартлари қўпол бузилганлиги ҳақида хабарнома олганидан сўнг, зудлик билан мазкур эҳтиёт чорасини қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартириш масаласини кўриб чиқади.

Табийй офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар юз берганида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс томонидан суднинг ажрими билан белгиланган тақиқ ва чекловларнинг бузилиши узрли деб топилиши мумкин. Бу ҳақда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи зудлик билан назорат қилувчи органга хабар бериши ва унинг асослилиги тегишли тартибда текширилишини таъминлаши лозим.

Профилактика инспекторларининг бевосита раҳбарлари томонидан камида ўн кунда бир марта ходимлар томонидан юритилган ойлик назорат қайдномаси ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар билан телефон сўзлашувларини қайд этиш варақасини юритиш аҳволи текшириб борилади ва мазкур ҳужжатларга текшириш натижаларига оид маълумотлар киритилади.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсни суриштирув ёки дастлабки тергов органига, шунингдек, судга олиб бориш учун ташаббускор уй қамоғига олинганни олиб келинишидан уч сутка аввал олиб келиш куни, жойи ва вақтини кўрсатган ҳолда ҳудудий ички ишлар органи раҳбарига алоқа хати юборади. Истисно тариқасида қолдириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш мақсадида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс ташаббускор билан келишилган муддатда суриштирув органига ёки дастлабки тергов органига, шунингдек, судга олиб борилиши мумкин. Кўрсатилган

муддатда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсни суриштирув органига ёки дастлабки тергов органига, шунингдек, судга олиб боришнинг имкони бўлмаган тақдирда, 24 соат ичида алоқа воситалари орқали, кейинчалик ёзма равишда бунга тўсқинлик қилаётган ҳолатларни ҳамда олиб борилиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда хабарнома юборилади. Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс суриштирув ёки дастлабки тергов органига, шунингдек, судга олиб борилгандан сўнг ташаббускор бу ҳақда алоқа хатида тегишли ёзувларни киритади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи суриштирув ёки дастлабки тергов органига, шунингдек, судга назорат қилувчи органининг транспорт воситасида олиб борилади.

Уй қамоғида жамиятдан тўлиқ ажратиб қўйилган шароитда бўлган гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимоячи, қонуний вакил билан учрашувлари ушбу эҳтиёт чораси ижро этилаётган жойда ўтказилади.

Ўрнатилган тақиқ (чеклов)лар уй қамоғида бўлган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи томонидан бузилган тақдирда унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин.

Профилактика инспектори томонидан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсни ҳисобдан чиқариш учун қуйидаги ҳолатлар асос бўлади:

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг суд томонидан белгиланган муддати тамомланиши;

– терговчи, суриштирувчи ва судьянинг қарори ёхуд суднинг ҳукми (ажрими) билан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши;

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахснинг вафот этиши.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсни ҳисобдан чиқариш тегишли ҳужжатлар иш вақти тугаган вақтда келиб тушган бўлса, эртаси куни дарҳол амалга оширилади. Уй қамоғи тегишли эҳтиёт чорасини ижро этиш муддати тугашидан 10 (ўн) кун олдин ҳукукузарликларнинг олдини олиш хизматининг раҳбари томонидан иш юритувида жиноят иши бўлган суриштирув органи, дастлабки тергов органи ва судга хабарнома юборилади. Мазкур эҳтиёт чорасини ижро этиш муддати тугаган кун ҳукукузарликларнинг олдини олиш хизматига уй қамоғи муддатини узайтириш тўғри-

сидаги суднинг қарори келиб тушмаган ҳолда эҳтиёт чорасини назорат қилиш тугатилади ҳамда зудлик билан электрон кузатиш воситаларини қўллаш бекор қилинади (агар қўлланилган бўлса) ва ушбу шахс ҳисобдан чиқарилади.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахснинг ҳисобдан чиқарилгани ҳақида унинг иш ва ўқиш жойига ҳамда бошқа тегишли идораларга (дастлаб ҳисобга олингани ҳақида хабардор этилган ташкилотларга) хабарнома юборилади. Шунингдек, «Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни рўйхатга олиш китоби» ҳамда шахсий йиғмажилдида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсни ҳисобдан чиқариш вақти ва асоси кўрсатилади. Шу билан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг ижро этилиши устидан ҳудудий профилактика инспекторлари томонидан амалга оширилган назорат ўз ниҳоясига етади.

УЙ ҚАМОҒИ ТАРЗИДАГИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА БУ БОРАДА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси жорий этилганидан буён кўп вақт ўтмаган бўлса-да, жиноят ишларини юритиш амалиётида у билан боғлиқ айрим муаммолар юзага келмоқда. Масалан, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи фавқулодда ҳолатлар юз берганда тез тиббий ёрдам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, авария-қутқарув хизмати ходимларини чақириш, шунингдек, ушбу эҳтиёт чорасига риоя этилишини назорат қилувчи орган ва терговчи билан ўзаро алоқа қилиши учун телефон ҳамда бошқа алоқа воситасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўлиқ тартибга солинмаган.

Ушбу масалага оид хорижий тажриба ўрганилганида айрим жиҳатлар эътиборимизни тортди. Хусусан, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексига (2002 йил 1 январь) киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш амалиётга киритилган. Унга кўра, уй қамоғи – прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг илтимосномасига кўра суднинг қарорига асосан айбланувчи (гумон қилинувчи)га нисбатан қўлланиладиган эҳтиёт чораси бўлиб, бошқа енгилроқ эҳтиёт чораларини қўллаш имкони бўлмаган ҳоллардагина қўлланади.

Ушбу эҳтиёт чораси қўлланган шахслар жамиятдан тўлиқ ёки қисман ажратилган ҳолда, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда тақиқ (чеклов)лар юклатилган, шунингдек унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда яшаши тушунилади.

Гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг ёки судланувчининг соғлиғи ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тиббий муассаса уй қамоғида сақлаш жойи этиб белгиланиши мумкин.

Уй қамоғи 2 ойгача муддатга қўлланади. Бу муддатда дастлабки терговни тамомлашнинг имкони бўлмаса, эҳтиёт чорасини ўзгартиришга асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уй қамоғи муддати амалдаги қонунчилик (ЖПКнинг 109-моддаси)да кўрсатилган тартибда узайтирилади.

Суд томонидан мазкур турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги қароридан қуйидаги тақиқ (чеклов)лар ёки улардан баъзилари ўрнатилиши мумкин:

- 1) яшаётган уйдан ташқарига чиқмаслик;

- 2) муайян шахслар билан мулоқот қилмаслик;
- 3) почта-телеграф жўнатмаларини олиш ёки юбормаслик;
- 4) алоқа воситалари ва Интернет тармоғидан фойдаланмаслик.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси бўйича ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)га риоя этилиши устидан назорат Россия Федерацияси Жазоларни ижро этиш федерал хизмати (ФСИН) ва унинг жойлардаги Жиноят-ижроия инспекцияларига (УИИ) юклатилган.

Жиноят-ижроия инспекциялари:

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган айбланувчи (гумон қилинувчи)лар томонидан ўрнатилган тақиқ (чеклов)ларга риоя этилишини назорат қилади;

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган шахсларнинг ҳисобини юритади;

– бундай шахсларга эҳтиёт чорасини ўташ шартларини тушунтиради;

– эҳтиёт чорасини ўзгартириш хусусида судга тақдимномалар киритади;

– шахсларни эҳтиёт чорасини ўташ шартларини тушунтириш, профилактик суҳбат ўтказиш, эҳтиёт чора шартлари бузилгани хусусидаги саволларга аниқлик киритиш учун чақиради;

– уй қамоғида бўлган шахсларнинг яшаш ва иш жойига бориб текширишни амалга ошириши мумкин.

Россия ҳукумати томонидан тасдиқланган «Жиноят-ижроия инспекциялари тўғрисидаги Низом»да уй қамоғидаги шахсларга нисбатан аудиовизуал, электрон ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган. Шунингдек, «Маҳкумларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган аудиовизуал, электрон ва бошқа техник воситаларнинг рўйхати»га асосан жазони ижро этиш инспекциялари қуйидагилардан фойдаланиши кўзда тутилган:

– масофадан маҳкумнинг қаердалигини кузатиш имкониятини берувчи, сутка давомида улардан келаётган сигналларни қабул қилувчи стационар назорат ускуналарига уланган электрон билагузуклардан;

– маҳкумларнинг қаердалиги ҳақида Глобал Навигация Спутник Системаси (ГЛОНАСС/GPS) орқали сигнал берувчи электрон билагузуклардан;

– автоматик тарзда визуал ва овозидан шахсни идентификация қилувчи аудиовизуал стационар ускуналардан;

– маҳкумнинг қаердалиги ва ҳаракатланиш йўналиши ҳақидаги маълумотларни қабул қилувчи регионал Ахборот марказларининг стационар ва мобиль қурилмалари ҳамда бошқа техник воситалардан.

Россиялик ҳуқуқшунос олимлар С.И.Данилова, Г.В.Костылева, Н.Е.Муженская ва О.И.Цоколовалар¹ уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган шахсларни назорат қилиш ҳанузгача тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинмаганини таъкидлашади². Россия Федерацияси судлари томонидан 2010 йилда 148 689 та қамокқа олиш чораси қўлланган бўлса, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси бор-йўғи 668 маротаба қўлланилган, бу эса жами қўлланилган эҳтиёт чоралари умумий миқдorigа нисбатан 0,45 фоизни ташкил этади.

Бизнингча, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг кам қўлланишига қуйидагилар сабаб бўлмоқда:

- қонунчиликдаги ноаниқликлар;
- уй қамоғидагиларни жамиятдан ажратишнинг имкони йўқлиги;
- қўллаш тартибининг мураккаблиги;
- уй қамоғи эҳтиёт чораси ўзининг хусусиятлари жиҳатидан қамокда сақлашга тенглаштирилган бўлса-да, айбланувчиларга (гумон қилинувчиларга) эҳтиёт чорасининг мақсадларига тўла мувофиқ келмайдиган (ўзини оқламайдиган) имтиёзлар берилганлиги;
- уй қамоғидагиларни назорат қилиш воситалари бўйича ноаниқликлар мавжудлиги;
- ушбу назоратни амалга оширишга мажбур бўлган идора ва мансабдор шахслар аниқ белгиланмаганлиги ва бошқалар.

Айнан юқоридаги масала Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодекси 107-моддасининг саккизинчи қисмида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган гумон қилинувчи ёки айбланувчига ўрнатилган тақиқ (чекловлар) гумон қилинувчи ёки айбланувчи, унинг адвокати, қонуний вакили, шунингдек жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи ёки терговчининг илтимосномасига асосан суд томонидан ўзгартирилиши мумкинлиги, гумон қилинувчи ёки айбланувчи фавқулодда ҳолатлар юз берганда тез тиббий ёрдам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, авария-қутқарув хизмати ходимларини чақириш учун, шунингдек ушбу эҳтиёт чорасига риоя қилинишини назорат қилувчи орган, суриштирувчи, терговчи билан ўзаро алоқа қилиши учун телефондан фойдаланиш ҳуқуқи чекланиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Худди шундай, Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 146-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи ва бешинчи банд-

¹ Данилова С. И. и др. Меры пресечения, не связанные с изоляцией подозреваемого, обвиняемого: Научно-практическое пособие. – М., 2012.

² Ўша манба.

лари мазмунига кўра, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг телефон ёки бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид чеклов, унинг назорат телефон қўнғироқлари ва бошқа назорат сигналларига жавоб бериши, шунингдек ушбу эҳтиёт чорасига риоя қилиниши назорат қилувчи орган, суриштирувчи билан ўзаро алоқа қилиши борасида татбиқ этилмайди.

Бундан ташқари, Белоруссия Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 125-моддаси иккинчи қисмининг 2 ва 5-бандлари мазмунига кўра, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг телефон ёки бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид чеклов, унинг назорат телефон қўнғироқлари ва бошқа назорат сигналларига жавоб бериши, шунингдек ушбу эҳтиёт чорасига риоя қилиниши назорат қилувчи орган, суриштирувчи билан ўзаро алоқа қилиши борасида татбиқ этилмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жиноят-процессуал қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган гумон қилинувчи ёки айбланувчи фавқулодда ҳолатлар юз берганда тез тиббий ёрдам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, авария-қутқарув хизмати ходимларини чақириш учун, шунингдек ушбу эҳтиёт чорасига риоя қилиниши назорат қилувчи орган ва терговчи билан ўзаро алоқа қилиши учун телефон ва бошқа алоқа воситасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи нормани киритиш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда кучли демократик давлат ва одил фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий жараёнларнинг узвий бир қисмига айланган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари инсон ва унинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари – олий қадрият деган конституциявий қоида (13-модда)нинг амалга оширилишини таъминловчи куч бўлиб хизмат қилиши керак.

Суд – одил судловнинг олий нуқтаси, унинг ролини ошириш эса ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараёндир. Шу муносабат билан прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш ҳозирги замоннинг мантиқий талабидир. Бу, энг аввало, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, дахлсизлигини чеклаш билан алоқадор масалаларга тегишлидир.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг жорий этилиши жиноят-процессуал қонунчилик соҳасида, умуман, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мамлакатимизда демократия сари қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Шу ўринда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарорни асословчи зарур ҳужжатлар жамланмасидан иборат санкция пакетини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Жумладан, мазкур санкция пакетига баъзи ҳужжатларнинг асл нусхаси тикилса, баъзиларининг кўчирма нусхалари тикилади ва барча ҳужжатлар рақамланиб, тергов бўлинмаси ёки бўлимнинг гербли муҳри билан тасдиқланиб, рўйхат асосида ягона муқова остида жамлаб тикилади. Ушбу ҳужжатларни тергов бўлинмаси ёки бўлимнинг гербли муҳри билан белгилашдан асосий мақсад уларни жиноят ишидаги ҳужжатларнинг асл нусхасидан олинганлигини аниқлаб туришдир.

Бундан ташқари, терговчилар амалиётида баъзан қамоққа олиш ёки уй қамоғи қўлланилаётган шахс ҳимоячининг юридик ёрдамидан воз кечган тақдирда, санкция пакетига ҳимоячидан воз кечилганлиги баённомасининг нусхасини тикиб қўйиш билан чекланишади ва бунга ЖПКнинг 51-моддасида ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар қаторида қамоққа олиш ёки уй қамоғи қўлланилаётган шахснинг ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиши шарти белгиланмаганлигини сабаб қилиб кўрсатишади. Бироқ, фикримизча, судлар томонидан қамоққа олиш ёки уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги материални кўриб чиқиш давомида тортишув принципига асослани-

ши ва бу жараёни ҳимоячининг фаол иштирокисиз амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмаслигини эътиборга олиб, жиноят-процессуал қонунчиликда қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилаётган шахслар билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шартлигини белгилаб қўйиш лозим бўлади (Иловадаги лойиҳага қаралсин).

Бу эса, ўз навбатида, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилинишини таъминлайди ҳамда ўз моҳиятига кўра, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадларига мувофиқ келади.

ИЛОВАЛАР

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил “ ____ ” _____ да қабул қилинган
Сенат томонидан 2017 йил “ ____ ” _____ да маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **51-модда** биринчи қисмининг 9-банди куйидаги мазмундаги 9 ва 10-бандлар билан алмаштирилсин:

«9) апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди томонидан кўриладиган ишларда;

10) қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси сифатида танланган ишлар бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шарт»;

2) **52-модданин**г иккинчи қисмидаги «1-4, 8 ва 9-бандларида» деган сўзлар «1-4 ва 8-10-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
20 йил “ ”
№ ЎРҚ–XXX

**OZBEKISTON RESPUBLIKASI IV
TOSHKENT SHAHAR II BV
M.ULUGBEK TUMAN I I BV
TERGOV BO'LIMI**

130000 M. Ulug'bek shahar
Buyuk Ipak yuli kochasi-1
kod 8-371-267-21-40
faks:8-371-267-21-02



**МВД РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН
ГУВД ТАШКЕНТСКОЙ ГОРОД
СЛЕДСТВЕННОЕ ОТДЕЛЬ
М.УЛУГБЕКСКОГО Р У В Д**
130000 г. М. Улугбек
ул. Буюк ипак йўли-1
код 8-371-267-21-40
факс: 8-371-267-21-02

№55_____ 2017 йил “4” апрель

**Жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улугбек туман
судининг раиси
Ш.А. Элмуродовга**

Ушбу орқали Сизга Мирзо Улугбек тумани ИИБ ТБ томонидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётган №4-58/2016 сонли жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-модда 3-қисми «а» ва «в» бандлари билан гумон қилинувчи Алимов Шавкат Гофуровичга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарор ҳамда уни асослантирувчи ҳужжатлар юборилмоқда.

Илова: йиғмажилддаги ҳужжатлар «___» варақда.

**Мирзо Улугбек тумани прокурори
адлия катта маслаҳатчиси А. С. Парпиев**

Гумон қилинувчи Алимов Шавкат Ғаниевичга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани қўзғатиш ҳақидаги қарорни асослантирувчи ҳужжатлар рўйхати:

т/р	Ҳужжатларнинг номлари	и/в
1	Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани қўзғатиш ҳақида қарор	1-2
2	Жиноят иши қўзғатиш ҳақида қарор	3
3	Ҳимоячи ордери	4
4	Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор	5-6
5	Гумон қилинувчини ушлаш ҳақида баённома	7
6	Тиббий маълумотнома (эҳтиёт чорасини танланишига сабаб бўладиган касаллигини тасдиқловчи ва уни муолажа қилиш тартиби баён этилган)	8
7	Касаллик тарихининг нусхаси (эҳтиёт чораси танланишига сабаб бўладиган касаллиги бўйича даволаниб чиққанлиги ҳақида)	9
8	Талабнома, гумон қилинувчини шахсини тасдиқловчи ва тавсифловчи ҳужжатлар нусхаси	10-15
9	гумон қилинувчи томонидан ўзига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни сўраб ёзган ариза-илтимосининг асл нусхаси	16
10	эҳтиёт чораси қўлланилаётган гумон қилинувчи билан бирга яшайдиган яқин қариндошларининг уй қамоғи эҳтиёт чораси билан боғлиқ ўрнатилаётган тақиқ (чекловлар)га розилиги ҳақидаги хатларнинг асл нусхаси	17-18
11	Уй-жойга эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар нусхалари	19-21
12	Уй-жойда яшаш учун зарур шарт-шароитлар мавжудлигини тасдиқловчи МФЙ томонидан тузилган далолатнома	22
13	Уй-жойнинг санитария талабларига жавоб беришини тасдиқловчи ҳудудий СЭХ (санитария эпидемия хизмати) ходимининг маълумотномаси	23
14	Уй-жойнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб беришини тасдиқловчи ҳудудий ЁХБ (ёнғин хавфсизлиги бўлими) ходимининг маълумотномаси	24

«Рўйхатни туздим»

**Мирзо Улуғбек тумани ИИБ
ТБ терговчиси лейтенант**

У.Қ. Омонов

“Р О З И М А Н”
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек
тумани прокурори адлия катта
маслаҳатчиси

А. С. ПАРШИЕВ

2017 йил “ ” апрель

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида
илтимоснома қўзғатиш тўғрисида

Қ А Р О Р

2017 йил «4» апрель

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туман ИИБ ТБ терговчиси лейтенант У. Қ. Омонов, ушбу куни иш юритувимидаги №4-58/2016-сонли жиноят иши материаллари билан танишиб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И М:

Гумон қилинувчи Алимов Шавкат Ғофурович муқаддам 1) ЖИБ Мирзо Улуғбек туман судининг 2013 йил 4 март кунги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми «б» ва «в» бандлари билан қўзғатилган жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 04 декабрь кунги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги» Қарорига асосан жавобгарликдан озод этилган; 2) ЖИБ Мирзо Улуғбек туман судининг 2014 йил 27 апрель кунги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми «б» ва «в» бандлари билан 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, жазонинг 1 йил 8 ой муддатини ўтамагани ҳолда ўзига ижобий хулоса чиқариб, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан ва ахлоқан тузалиш йўлига кирмасдан, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, 2017 йил 10 март куни соат 14:00 атрофида Мирзо Улуғбек тумани, Истиклол маҳалласи, Ойбек кўчаси 5-уйда, шу хонадонда яшовчи Собитов Азим Ботирович билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, Мирзо Улуғбек тумани, Аҳмад Югнакий маҳалласи ҳудудида жойлашган №200581 рақамли трансформатор кичик станциясига ўрнатилган махсус мой идиши (“масленный бачок”)ни ўғрилик йўли билан қўлга киритганидан сўнг

аввалдан берилган ваъдага кўра, ўзи топган харидорга сотиб, ўтказиб беришдан иборат жиноятни қўйидаги ҳолат ва усулларда содир этганликда гумон қилинади:

Жумладан, у 2017 йил 11 март куни соат 24:00лар чамасида жиноий шериги Собитов Азим Ботирович ўғрилик йўли билан қўлга киритиб, фуқаро Тўрахонов Толиб Тўйчиевичнинг бошқарувидаги Тошкент вилояти Қибрай туманидаги №2532-сонли автожамланмага қарашли «ЗИЛ-130» русумли 10AL550 давлат рақамли юк автомашинасига юклаб олиб келган, Мирзо Улуғбек тумани Аҳмад Югнакий маҳалласи ҳудудида жойлашган, фуқаро Қобилов Парда Хазратовичга тегишли «Саҳоват» номли маиший-хизмат кўрсатиш мажмуасига тегишли №200581 рақамли трансформатор кичик станциясига ўрнатилган, нархи 14.030.000 (ўн тўрт миллион ўттиз минг) сўмлик кўп миқдордаги бир дона махсус мой идишини ўзаро келишувга кўра, ўзи яшайдиган Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси 2-уйда сотиб бериш мақсадида олиб қолган.

Тергов ҳаракатлари давомида фуқаро Алимов Шавкат Ғофурович 2017 йил 15 март куни махсус мой идишини ўғирлик йўли билан қўлга киритилганлигини айтмасдан, фуқаро Салимов Ҳалим Жўраевичга 10.200.000 (ўн миллион икки юз минг) сўм нақд пул эвазига сотиб, ушбу пулларни жиноий шериги Собитов Азим Ботирович билан ўзаро бўлиб олишиб, шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганлиги аниқланиб, фуқаро Ҳ.Салимовдан №200581 рақамли трансформатор кичик станциясининг бир дона махсус мой идиши ашёвий далил сифатида олиниб, жиноят ишига қўшилган.

Шундай қилиб, фуқаро Алимов Шавкат Ғофурович хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, жиноий шериги Собитов Азим Ботирович билан бир гуруҳ шахс бўлиб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилишга олдиндан тил бириктириб, фуқаро Қобилов Парда Хазратовичга тегишли №200581 рақамли трансформатор кичик станциясига ўрнатилган, нархи 14.030.000 (ўн тўрт миллион ўттиз минг) сўмлик кўп миқдордаги бир дона махсус мой идишини яширин равишда талон-торож қилиб, ўғирлаб, ўзининг бу қилмиш ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «а» ва «в» бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб этилган.

2017 йил 2 апрель куни соат 20:05да Алимов Шавкат Ғофурович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «а» ва «в» бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда гумон қилинувчи тариқасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 227-моддаси тартибида ушланган.

2017 йил 2 апрель куни гумон қилинувчи Алимов Шавкат Ғофурович ИИБ ТБга ариза билан мурожаат қилиб, унда ўзининг тиббиёт муассасаси томонидан берилган маълумотномага кўра оғир асоратлар билан кечувчи

“ўткир жигар циррози” касаллигига чалинганлиги учун алоҳида шароитда парҳез асосида овқатланиши лозимлигини, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, руҳий касаллиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган 1 нафар синглисига васий сифатида бириктирилганлигини, меҳнат лаёқатини йўқотган онасининг ягона боқувчиси эканлиги сабабли ўзига нисбатан уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллашни илтимос қилиб сўраган ва ушбу эҳтиёт чорасини қўлланилган тақдирда қонунда назарда тутилган тақиқ (чеклов)лар ўрнатилишига розилигини билдирган.

Гумон қилинувчи Алимов Шавкат Ғофурович уй қамоғи эҳтиёт чорасини ўташи назарда тутилаётган турар жой Мирзо Улуғбек тумани Мустақиллик кўчасида жойлашган 2-уйда жойлашган бўлиб, ушбу жой турар жой сифатида доимий яшашга мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа техник талабларга тўла мувофиқ келиши ҳақида маълумотлар олинди.

Мазкур турар жой ҳовлиси гумон қилинувчи Алимов Шавкат Ғофуровичнинг номида бўлиб, ушбу хонадонда у билан бирга турмуш ўртоғи Алиева Санобар Солиевна, онаси Собирова Зарифа, синглиси Алимова Лола Ғофуровна ва 3 нафар вояга етмаган фарзандлари доимий рўйхатда туриб яшаб келиши аниқланди.

Турар жой мулкдори ва у ерда яшовчи шахслардан уй қамоғи эҳтиёт чораси қўллаш назарда тутилаётган жойдан фойдаланиш ва ўрнатиладиган тақиқ (чеклов)ларга риоя қилишлари ҳақида ёзма розилик хатлари олинди, ушбу тақиқ (чеклов)ларга риоя қилинмаган тақдирда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилди.

Алимов Шавкат Ғофурович суд тайинлаган жазони ўташ вақтида оғир турдаги рецидив жиноятни содир этганлиги, унинг дастлабки тергов ва суддан яшириниши иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал бериши, жиноий фаолиятини давом эттириши мумкинлиги боис, унга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар етарли. Бироқ унинг оилавий аҳволини ва соғлиғи ҳолатини, яъни қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, руҳий касаллиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган 1 нафар синглисига васий сифатида бириктирилганлигини, меҳнат лаёқатини йўқотган онасининг ягона боқувчиси эканлигини, шунингдек, ўзининг тиббиёт муассасаси томонидан берилган маълумотномага кўра оғир асоратлар билан кечувчи “ўткир жигар циррози” касаллигига чалинганлиги учун алоҳида шароитда парҳез асосида овқатланиши лозимлиги сабабли қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ эканлигини инобатга олиб, унга нисбатан жиноий шериги Собитов Азим Ботирович ва уларнинг яқин қариндошлари билан алоқада бўлиш, хат-хабар олиш, ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш, уй-жойни тарқ этиш каби тақиқларни ўрнатган ҳолда, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида баён қилинганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 236, 240, 242-1, 243-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:

1. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «а» ва «в» бандлари билан айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этилган, 1987 йил 20 декабрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали 3 нафар фарзандли, маълумоти ўрта, М.Улуғбек туман ҳокимияти ободонлаштириш бўлими ишчиси, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси 2-уйда яшаб келган Алимов Шавкат Ғофуровичга нисбатан уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чораси чорасини қўллаш ҳақида илтимоснома кўзгатилинсин.

2. Уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чораси гумон қилинувчи Алимов Шавкат Ғофуровичнинг доимий рўйхатда туриб, яшаб келаётган Мирзо Улуғбек тумани Мустақиллик кўчасида жойлашган 2-уйдаги турар жойида қўлланилинсин ва унга нисбатан қуйидагилар тақиқлансин:

– тергов ва суд муҳокамаси жараёнидан ташқари жиноят иши бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахслар ва уларнинг манфаатларни ҳимоя қилувчи вакиллар, шунингдек жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар билан алоқада бўлиш;

– пенсия ва ижтимоий тўловлар, суғурта бадаллари ва шу каби бошқа тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ, шунингдек соғлиқни сақлаш, суриштирув ва тергов органлари, судлар, суд ижрочилари билан боғлиқ хат-хабарлардан ташқари бошқа ҳар қандай шаклдаги хат-хабарларни терговчи ва суд органининг рухсатисиз олиш ва жўнатиш;

– тергов ва суд органининг рухсатисиз алоқа воситалари орқали сўзлашувлар, почта-телеграф, факс жўнатмалари, шунингдек E-mail, SMS, MMS ва шу каби бошқа электрон шаклдаги алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар ва ёзишмалар олиб бориш;

– куннинг соат 9:00 дан 11:00 га қадар бўлган вақти мобайнида қармоғида бўлган фарзандлари ва ўзини тиббий кўрикдан ўтказиш ва бошқа кундалик оила турмуш масалаларини ҳал этиши учун ташқарига чиқиш ҳолатидан ташқари терговчи ёки суд органининг рухсатисиз уй-жойини тарк этиш.

3. Мазкур қарор ва уни асословчи ҳужжатлар назорат олиб борувчи прокурорнинг розилигини олгач, қонун доирасида кўриб чиқиш учун Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судига тақдим этилинсин.

4. Илтимосномани кўриб чиқиш натижаси бўйича гумон қилинувчи Алимов Шавкат Ғофуровичга нисбатан ўрнатилган тақиқ(чеклов)ларга риоя этиш ва унинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатиш вазифаси М.Улуғбек туман ИИБга юклатилсин.

5. Қарорнинг нусхаси назорат олиб борувчи прокурорга юборилсин.

Мирзо Улуғбек тумани ИИБ
ТБ терговчиси лейтенант У. Қ. Омонов

Ушбу қарор менга 2017 йил «__» _____ куни эълон қилинди ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасида кўрсатилган гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди:

Айбланувчи _____

Ш.Ғ. Алимов

Ҳимоячи _____

Р.Д. Камалов

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА УЙ ҚАМОҒИ ТАРЗИДАГИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	5
ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА УЙ ҚАМОҒИ ТАРЗИДАГИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ ВА ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ТАРТИБИ	11
УЙ ҚАМОҒИ ТАРЗИДАГИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИНИ ИЖРО ЭТИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	19
УЙ ҚАМОҒИ ТАРЗИДАГИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА БУ БОРАДА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	27
ХУЛОСА	31
ИЛОВАЛАР	33

СУЛТОНОВ Абдулла Азаматович

**УЙ ҚАМОҒИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ
ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ**

Ўқув қўлланма

Муҳаррир: Б. Қ. Эргашев
Техник муҳаррир: Д. Р. Джалилов

Босишга рухсат этилди 02. 05. 2017 й. Нашриёт ҳисоб табағи 3,5.
Адади 20 нусха. Буюртма №

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
100197 Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68,